


## Хоразмдаги қулаб тушган кўприк таъмирланмоқда

---



Жорий йилнинг 14 август куни Хоразм вилоятидаги давлат аҳамиятига эга бўлган 4Р-164 "Хонқа-Янгиариқ-Чиқирчи-Хива" автомобиль йўлининг 6,1-километридаги "Қорақош" заҳкаш кўпригига авария содир бўлган эди.

Хонқа ва Янгиариқ туманларини боғлаб турган, эни 14, узунлиги 24 метрдан иборат мазкур кўприк 1975 йилда қурилган бўлиб, 1989 йилда қатнов қисми ҳар икки тарафга 12 метрли плита билан кенгайтирилган эди.

Бугунги кунда мазкур кўприкда Хоразм кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан тиклаш ишлари бошланган бўлиб, бу ишлар билан 20 нафар ишчи ва хизматчилар, 10 га яқин маҳсус техникалар сафарбар қилинган. Автомобиллар қатнови учун эса вақтингачалик айланма йўл ташкил этилган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 14 август кунги қўнгилсиз воқеа натижасида турли даражада жароҳат олган, Хонқа туман йўллардан фойдаланиш корхонасига қарашли, давлат рақами 90 294 КАА юк машинасида бўлган хайдовчи ва ишчиларга ўша куннинг ўзидаёқ тиббий ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда уларга шифохонадан уйига жавоб берилган ҳамда даволаниб, ўз вазифаларига киришишган.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати